

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВ ШОДЛИК МАШАРИПОВИЧ

**ПАХТА НАМЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА СИҒИМЛИ
БИРЛАМЧИ ЎЗГАРТКИЧЛАР АСОСИДАГИ УСУЛЛАР ВА
АСБОБЛАР**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Машарипов Шодлик Машарипович

Пахта намлигини назорат қилишда сифимли бирламчи ўзгарткичлар асосидаги усуллар ва асбоблар.....3

Машарипов Шодлик Машарипович

Методы и приборы на основе емкостных первичных преобразователей для контроля влажности хлопка-сырца.....21

Masharipov Shodlik Masharipovich

Methods and instruments based on capacity primary converters for control of humidity of cotton-raw material.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВ ШОДЛИК МАШАРИПОВИЧ

**ПАХТА НАМЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА СИҒИМЛИ
БИРЛАМЧИ ЎЗГАРТКИЧЛАР АСОСИДАГИ УСУЛЛАР ВА
АСБОБЛАР**

05.03.01 – Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т80 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Матяқубова Парахат Майлиевна**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедов Барат Махмудович**
техника фанлари доктори, доцент

Ўлжаев Эркин
техника фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатига бўлган талаб ошиб, кўпгина технологик жараёнларда намликни тезкор назорат қилиш воситаларига бўлган янги талабларни илгари сурмоқда. Агросаноат мажмуининг замонавий технологик жараёнларида юқори аниқликдаги ўлчаш, қўшимча параметрларни назорат қилиш имконияти билан параметрларни самарали бошқариш учун тезкор, путур етказмайдиган, контакtsiz ва энергия тежамкор технологиялар талаб қилинади. Ривожланган мамлакатлар пахта маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналари томонидан замонавий ўлчаш техникаси талабларига мувофиқ бўлган пахтанинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган намлигини назорат қилиш қурилмаларини яратиш ва жорий қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда пахта намлигини назорат қилиш қурилмаларини аниқлиги ва тезкорлигини ошириш, функционал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, пахта намлигини назорат қилишда юқори аниқлигини, сезгирлигини, тезкорлиги ва яхшиланган метрологик тавсифларини оширишни таъминлайдиган сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичлари асосидаги қурилмаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида пахта саноатини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, пахта параметрларини назорат қилиш учун илғор ахборот-ўлчаш техникасини қўллаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш"¹ вазифалари белгилаб қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда пахта намлигини назорат қилишнинг техник қурилмалари ва замонавий усулларини таҳлил қилиш бўйича мақсадли илмий-тадқиқотлар, ўлчаш соҳасининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш, пахта намлигини назорат қилишнинг назарияси ва амалиётини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ - 3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758 «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» ги ҳамда 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тартибга солиш тўғрисида» ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида сиғимли ўзгарткичлар асосидаги усуллар ва асбоблар ривожланишига Jingbo Tong, Tianming Chen, Mathew G.Pelettier, Michael E.Gvili, Houri Johari (АҚШ), Stuard Gordon, Andrej Krajewski, Ferry N. Toth (Австралия), Hamid Farahani, Rahman Wagiran, Mohd Nizar Hamidon (Малайзия), Esa Leskelä, Jukka Voutilainen (Финляндия), Burak Okcan (Туркия), В.В.Молочников, С.В.Годлевская, И.К.Пожиток, Н.И.Мухуров, В.В. Лисовский (Белоруссия), А.К.Хурцилава, Н.Г.Кантеладзе, Т.Д.Джапаридзе. (Грузия), Ю.П.Секанов, Е.С.Кричевский, В.С.Ройфе, Ю.Г.Подкин, П.М.Пугачев, С.Н.Шведов, В.С.Афонин, П.В.Мапошин (Россия) каби хорижий олимлар улкан ҳисса қўшишган.

Пахта намлигини путур етказмасдан назорат қилишнинг сиғимли бирламчи ўзгарткичлари назарияси ва амалиётига мамлакатимизнинг Н.Р.Юсупбеков, П.Р.Исмагуллаев, Р.К.Азимов, Х.З.Игамбердиев, М.М.Мухитдинов, Б.М.Ахмедов, В.В.Казанский, А.Х.Абдуллаев, Э.Ўлжаев, П.М.Матякубова, А.Турғунбоев, В.Е.Устюгин, П.И.Қаландаров, Ю.Г.Шипулин, Ш.М.Гулямов, В.Н.Дроздов, Р.И.Саитов ва бошқа олимлари ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бироқ сўнги йилларда пахта намлигини назорат қилишнинг тезкор ва энергия тежамкор воситаларининг камлиги сабабли пахтани қабул қилиш ва қайта ишланинг замонавий технологик жараёнларида қўллаш имконини бермайдиган стандарт усул асосидаги намуна олиш ва таҳлил ўтказиш усули қўлланилмоқда. Шу билан биргаликда, пахта намлигини сиғимли усулда назорат қилишнинг янги илмий-техник ва конструкторлик ечимларига, шунингдек қурилма сифатида амалга оширилишининг мавжуд имкониятларидан фойдаланишда етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари қуйидаги режаларига мувофиқ ЁФ–2-9 - «Турли маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш учун микропроцессорли бирламчи ўлчаш ўзгарткичларини қуриш ва лойиҳалашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2016-2017 й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усулини бирламчи ўлчаш ўзгарткич асосидаги қурилмавий амалга оширишни такомиллаштириш, бунинг асосида яхшиланган метрологик ва функционал тавсифларга эга бўлган сиғимли қурилмани ишлаб чиқиш ва жорий этишдан

иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта намлигини назорат қилиш усуллари ва воситаларни назарияси ва амалиётининг метрологик, функционал, шунингдек фойдаланиш мезонлари асосидаги замонавий ҳолатини таҳлили;

пахта намлигини назорат қилиш усулини қурилмавий амалга оширишни энг истиқболлисини танлаш ва асослаш, шунингдек танланган усулни метрологик тавсифларини такомиллаштиришга йўналтирилган ва қўлланилаётган ёндашувларни ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

сиғимли усулда намликни юқори аниқлик, сезгирлик ва тезкорликда назорат қилишдаги хатолик манбалари таснифи ва нобарқарорлаштирувчи омилларни бартараф қилиш усулларида иборат бўлган услубий таъминотини ишлаб чиқиш;

сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичи асосидаги қурилмани сезгирлиги, аниқлиги, тезкорлиги, статик тавсифлари ҳамда бошқа метрологик кўрсаткичларини яхшилаш усулини қурилмавий амалга оширишни конструкцияси ва техник ечимини яратиш;

пахта намлигини назорат қилиш учун сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткич асосидаги янги конструкцияли қурилмани яратиш ҳамда аниқлиги, сезгирлиги ва функционал имкониятларини ошириш усулларида техник ечимини ишлаб чиқиш;

яратилган қурилмани пахта саноати тармоғида тажриба-саноат синовидан ўтказиш ва таклиф қилинаётган қурилмани техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва жорий этиш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти пахта намлигини путур етказмасдан назорат қилишнинг сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичлари асосидаги усуллари ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети пахта намлигини назорат қилиш учун сиғимли бирламчи ўзгарткичлар асосида усуллар ва воситалар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажариш давомида тизимлар назариясининг умумий усуллари, ўлчашлар назарияси, тажриба маълумотларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш, ахборот-ўлчаш тизимлари назарияси, тажрибани ташкил қилиш усуллари ва бирламчи ўзгарткичлар билан ўлчаш ахборотини олишнинг физик асослари усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усулини қурилмавий амалга оширишнинг умумий тамойиллари ва илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган ва асосланган;

муҳандислик башоратлари усули ёрдамида пахта намлигини сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичининг математик модели тузилган;

пахта намлигининг ўлчаш аниқлигини оширувчи ва қурилмани функционал имкониятларини кенгайтирувчи усул ишлаб чиқилган;

эллипс шаклидаги сиғимли электродлар ва схемада ҳароратни ўзгаришини автоматик компенсациялайдиган термодатчик қўллаш асосида намликни ўлчовчи қурилмани ўлчаш чегараси кенгайтирилган ва аниқлиги оширилган;

ташқи таъсир қилувчи омиллар шароитида сиғимли усулда материаллар намлигини ўлчашда чиқиш сигналани йиғинди хатолигининг асосий манбаларини бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Бажарилган тадқиқот натижалари асосида пахта намлигини тезкор назорат қилишнинг рақамли ўлчаш асбоби яратилган ва жорий қилинган. Пахта намлигини назорат қилишга мўлжалланган барқарор, минимал энергия истеъмолли сиғимли ўзгарткич ишлаб чиқилган ва тажрибавий тадқиқ қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги намунавий ўлчаш воситаларидан фойдаланишда бажарилган назарий ва тажрибавий натижалар мувофиқлиги, шунингдек ўлчаш натижаларининг ижобийлиги билан тасдиқланади. Тадқиқотнинг барча босқичларида назарий ва тажрибавий натижаларнинг солиштирилиши амалга оширилди. Натижаларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида назарий ва паралелл равишда тажрибавий текширишлар ўтказилди. Тажрибавий тадқиқотлар юқори аниқлик ва ишончиликка эга замонавий ўлчаш воситалари ёрдамида бажарилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усул ва воситаларини такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Таклиф қилинган янги услубий ва конструктив ечимлар намликни назорат қилиш қурилмасини аниқлиги ва функционал имкониятларини ошириш имконини берган. Ҳарорат таъсирини бартараф қилиш ва ўлчаш натижаларига ишлов бериш жараёнини автоматлаштириш эвазига сиғимли бирламчи ўзгарткичларнинг аниқлигини ошириш усули такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта намлигини назорат қилишнинг таклиф қилинган дастурий, услубий ва техник таъминотлари аниқлик, тезкорликнинг ошиши ва технологик жараёнларнинг энергия тежамкорлиги эвазига техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига имкон берганлиги билан белгиланади. Сиғимли усул асосидаги пахта намлигини назорат қилишнинг илмий ечимларидан агросаноат маҳсулотларини параметрларини назорат қилишга мўлжалланган ахборот-ўлчаш тизимлари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш, даражалаш, калибрлаш ва такомиллаштириш учун қўлланилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта намлигини назорат қилишда сиғимли бирламчи ўзгарткичлар асосида усуллар ва асбобларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

толали материаллар ва дисперс муҳит намлигини ва ҳароратини ўлчовчи қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05156, 23.12.2015 й.). Натижада қурилмани

функционал имкониятлари кенгайтирилган ва ўлчаш аниқлигини 12 % га ошириш имконини берган;

пахта намлигини сақлаш ва бирламчи қайта ишлашнинг асосий жараёнларида назорат қилишга мўлжалланган қурилма «Боғот пахта тозалаш» АЖ нинг ва «Янгиариқ пахта тозалаш» АЖ га жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2018 йил 4 январдаги 0218/09-сон маълумотомаси). Натижада ўлчаш аниқлигини ва технологик жараённи самарадорлигини, назорат қилиш тезкорлигини ошириш, путур етказмасдан намликни назорат қилиш, сарф қилинадиган меҳнат ва энергия сарфини камайтириш имконини берган;

сиғимли бирламчи ўзгарткичда ўлчаш аниқлигини ошириш учун ишлаб чиқилган усуллар ва уларнинг техник ечимлари, шунингдек пахта маҳсулотларини намлигини назорат қилишда эксперимент натижаларини қайта ишлаш алгоритмлари ва пахта намлигини ўлчашда ҳарорат таъсирини автоматик ростлаш учун ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот «Боғот пахта тозалаш» АЖ нинг ва «Янгиариқ пахта тозалаш» АЖ га жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2018 йил 4 январдаги 0218/09 маълумотномаси). Натижада тадқиқ қилинаётган пахта намлиги бўйича ўлчаш асбобининг кўрсаткичига ҳарорат таъсирини автоматик равишда ростлаш орқали ўлчаш аниқлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Бажарилган тадқиқот натижалари бўйича 22 та илмий ишлар, жумладан, 1 та ихтирога патент олинган, Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия қилган журналларда 11 та мақола хорижда ва республика журналларида нашр қилинган, шунингдек ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш ҳақидаги 4 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 7 та иловалардан иборат. Диссертация иши 119 саҳифа асосий матн ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ



Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Пахта намлигини назорат қилишда бирламчи ўлчаш ўзгарткичларининг метрологик тавсифларини сиғимли усуллар бўйича такомиллаштириш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати

ва ривожланиш тенденциялари» деб номланган биринчи бобида пахта намлигини назорат қилишнинг аҳамияти ва босқичлари, пахта намликни назорат қилиш усулларининг замонавий ҳолати, намликни назорат қилиш объектини электрофизик тавсифлари, шунингдек намлигики ўлчаш воситаларининг техник ва метрологик тавсифлари таҳлил қилинган.

Пахта намлигини назорат қилишнинг назарияси ва амалиётини замонавий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда уларнинг келгусида ривожланиш ва такомиллашиш тенденциялари аниқланган, шунингдек тадқиқот предмети соҳасида сўнги 15 йиллик патент адабиётларини таҳлил қилиш усули ёрдамида замонавий влагометрияда пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усули кенг тарқалганлиги аниқланган. Асосан «G 01 N 27/22 – ўлчашнинг сиғимли усули» классификаторини ва 130 дан ортиқ патентларни қайд этиб ўтиш мумкин.

Фойдаланилган ахборот манбалари, қурилмаларни миллий ва хориж пахта саноатида жорий қилиниш амалиёти таҳлили, маълумотларга статистик ишлов бериш асосида сиғимли усул 38 % кўрсаткич билан энг истиқболли усул эканлиги аниқланган. Сиғимли қурилмаларнинг хатолиги 1,5 % гача нисбий хатоликдаги меъёрланган метрологик тавсифга эга. Мос равишда кондуктометрик (26,3 %), инфрақизил (14,9 %), термогравметрик (6 %) усулларни жорий қилиниш ва қўлланилиш даражалар 1-расмда кўрсатилган. 2-расмда термогравметрик, инфрақизилли, ўта юқори частотали, сиғимли ва кондуктометрик усулларда намликни назорат қилиш қурилмаларини метрологик тавсифлари таҳлили келтирилган.



1-расм. Пахта материалларининг намлигини назорат қилиш воситаларини жорий қилиниш ва қўлланилиш даражаси:


- 1 – сиғимли усул; 2 – кондуктометрик усул;
- 3 – инфрақизилли усул; 4 – термогравметрик усул;
- 5 – ўта юқори частотали (ўЮЧ) усул.

2-расм. Намликни назорат қилиш усуллари хатоликларининг солиштирма


Диссертациянинг «**Пахта намлигини назорат қилишда сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичдан юқори аниқликдаги ўлчаш ахборотини олиш жараёнлари**» деб номланган иккинчи бобида намликни назорат қилишда сиғимли ўзгарткичлар асосидаги асбобларни яратишнинг умумий

тамойиллари ва илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асослари, юқори частотали электромагнит майдонининг нам материал билан ўзаро таъсири, толали нам тизимларнинг диэлектрик сингдирувчанлигини математик моделлаштириш ҳамда намликнинг сиғимли бирламчи ўлчаш ўзгарткичларининг параметрларини оптималаштириш ва ҳисоблаш услубияти баён қилинган.

Ўзгарткичларнинг конструктив ва метрологик параметрларини асословчи аналитик ифодалар ишлаб чиқилган. 3-расмда конусли электроднинг оптимал геометрик ўлчамларини аниқлаш мақсадида ўзгарткични пресланган материал билан ўзаро таъсири ва кучлар схемасини таъсири баҳоланган.



3-расм. Бирламчи ўлчаш ўзгарткичи ва материал ўртасидаги кучлар схемаси



4-расм. Ўзгарткичнинг конусли қисмини геометрик ўлчамлари: φ - ишқаланиш бурчаги; А, В, D – конус учлари; α – конус учи бурчаги.

Кучлар тизимининг мувозанат тенгламаси қуйидагича ифодаланган:

$$P = P_{\text{кон}} + P_{\text{ишк}} . \quad (1)$$

Сиғимли электроднинг конусли қисми қаршилик кучи киритиш қаршилик кучи T ва материалда конус ишқаланишидан қаршилик кучи $F_{\text{ишк}}$ дан иборат.

$$P_{\text{ишк}} = T + F_{\text{кон}} . \quad (2)$$

(1) да ўзгарткични босиб киритишдаги қаршиликнинг ҳақиқий қиймати $T = \sigma_0 \cdot S \cdot \sin \alpha$, конус ишқалинишидан қаршилик кучи: $F_{\text{ишк}} = F_1 \cdot \cos \alpha = \sigma_0 \cdot S \cdot f \cdot \cos \alpha$; бу ерда: σ_0 – пахта ёки уни маҳсулотини конусдаги солиштирма қаршилик; S – конус сатҳи юзаси; α – бурчак; f – ишқаланиш коэффиценти.

Сиғимли электроднинг конусли қисми юзасини кесиб, электрод диаметри орқали ифодаланган:

$$S = \frac{\pi \cdot d^2}{4 \cdot \sin \alpha} \quad (3)$$

бу ерда d – диаметр. (2) ифодани қайта ишлаш асосида қуйидаги натижа олинган:

$$P_{\text{ишк}} = \sigma_0 \cdot \frac{\pi \cdot d^2}{4} \cdot (1 + f \cdot \text{ctg} \alpha) \quad (4)$$

(4) тенгламадан маълумки, сиғимли электроднинг конус қисми қаршилиқ кучи ўзгарткич конусини пахтага киритишда солиштирма қаршилигига, сиғимли электроднинг цилиндр қисми диаметри, ишқаланиш коэффициентига ва электрод конусининг котангенс бурчагига тўғри пропорционалдир.

Ўзгарткичнинг цилиндр юзасидаги материалнинг ишқаланиш кучини қуйидаги тенгламадан аниқланган:

$$P_{mp} = f \cdot \sigma_1 \cdot \pi \cdot d \cdot \int_0^h dh = f \cdot \sigma_1 \cdot \pi \cdot d \cdot h \quad (5)$$

бу ерда σ_1 – электроднинг цилиндр қисмига кўрсатиладиган солиштирма нормал босим; h – материал қатламанинг қалинлиги.

Сиғимли ўзгарткични пахтага киритиш учун зарур бўлган куч қуйидагича аниқланган:

$$P = \sigma_0 \cdot \frac{\pi \cdot d^2}{4} \cdot (1 + f \cdot \text{ctg} \alpha) + f \cdot \sigma_1 \cdot \pi \cdot d \cdot h. \quad (6)$$

Сиқилган пахта ҳажми $V_{\text{кон}}$ A, B, D учбурчакнинг AC ўқи бўйича айланиш ҳажмига мос келади (4 -расм) :

$$V_{\text{кон}} = \frac{1}{3} \cdot \pi \cdot r^2 \cdot AC. \quad (7)$$

Тригонометрик ўзгаришлардан кейин, (7) ифода қуйидаги кўринишга келтирилган:


$$V_{\text{кон}} = \pi \cdot r^2 \cdot l \cdot [\cos \alpha + \sin \alpha \cdot \text{tg}(\alpha + \varphi)] \quad (8)$$

бу ерда φ – ишқаланиш бурчаги; S – конус сатҳи юзаси бўлиб, қиймати $S = \pi \cdot r \cdot l$. Бундан деформацияни қиймати қуйидагига тенглиги аниқланган:

$$\delta = \frac{V_k}{S \cdot \cos(\alpha + \varphi)} = \frac{r \cdot (\cos \alpha + \sin \alpha \cdot \text{tg}(\alpha + \varphi))}{3 \cos(\alpha + \varphi)} \quad (9)$$

(9) ифода таҳлил қилиниб, ўзгарткичнинг конструктив, метрологик ва фойдаланиш тавсифлари бўйича конус бурчагини 30° дан ошириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган. δ нинг энг кичик қиймати 10° бурчакда кузатилиши, лекин конусни бу қийматдаги ўткир бурчагида талаб қилинган зичлик ҳосил бўлмаслиги кўрсатилган. Бу эса ўзгарткичнинг сезгирлигини пасайишига олиб келади. Шунга асосан, конусли электрод бурчагини $(25 - 35)^\circ$ оптимал қиймат бўлиши аниқланган.

**СИҒИМЛИ УСУЛДА НАМЛИКНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДАГИ ХАТОЛИК
МАНБАЛАРИ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**



5-расм. Сиғимли усулда материаллар намлигини назорат қилишда хатолик манбалари таснифи ва уларни бартараф қилиш усуллари


5-расмда тажриба ва тадқиқот натижалари асосида намликни назорат

қилишнинг сиғимли ўлчаш тизимларида умумий хатоликнинг 9 тадан иборат асосий манбалари таснифи таклиф қилинган.

Пахта намлиги ҳақида талаб қилинган аниқликдаги ишончли ўлчаш ахборотини таъминлайдиган сиғимли усул танланган ва илмий асосланган. Қурилмани яратишнинг техник, структуравий, дастурий-алгоритмий усуллари 6 та комплекс тамойиллари, шунингдек сиғимли намлик ўлчаш тизимини яратишда қарор қабул қилишнинг асосий блоklarининг структураси ишлаб чиқилган.

Ўзгарувчан электр сиғимли бирламчи ўзгарткичларни статик тавсифларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Дастур ёрдамида сиғимли бирламчи ўзгарткичларни асосий тавсифларини ҳисоблаб, ўлчаш ўзгарткичини лойиҳалашни дастлабки босқичларида хатоликни эҳтимолий манбаларини ва ўзгарткич сиғим элементларининг конструкцияларини ишлаб чиқиш мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, дастур ёрдамида турли схемотехник ечимлар учун чиқиш сигналини ўлчаш ва қайта ишлаш амалга оширилган. Дастурий маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (№ DGU 04227, 13.02.2017 й.).

“Пахта намлигини назорат қилишда сиғимли усул асосидаги бирламчи ўлчаш ўзгарткичли қурилманинг статик иш режимидаги тавсифларини тадқиқ қилиш ва ноаниқликни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида сиғимли ўзгарткични статик тавсифларига ҳарорат таъсири, частота-намлик тавсифларини тажрибавий тадқиқоти, сиғимли ўзгарткични метрологик тавсифларига пахта зичлигини таъсири баҳоланган ҳамда O'z DSt 644:2006 давлат стандарти ва GUM (Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма) талаблари асосида пахта намлигини ўлчашдаги ноаниқликни баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган.



6-расм. Қаршилик термометрининг назорат қилинаётган муҳитнинг ҳарорат нисбатан физик модели:

- 1- қаршилик термометрининг қизиш ҳудуд;
- 2-қизиш бўлмаган ҳудуд.

6-расмда кўп функцияли қурилма таркибида 1 ва 2 турли ҳудудлардан иборат бўлган қаршилик термометрининг физик модели ва статик тавсифи кўрсатилган. 1-ҳудудда қаршилик термометри иссиқлик олади, 2-ҳудудда эса

иссиқлик ўтказгич қаршилиқ термометрисиз жойлашган.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги ифодалар олинган:

$$T_2(\ell) = \frac{\gamma_1}{\gamma_2} \left[\frac{q}{g_1} - T_1(0) \right] sh \gamma_2 \ell_1 e^{\gamma_2 \ell_1} \quad (10)$$

$$T_2(x) = \frac{\gamma_1}{\gamma_2} \left[\frac{q}{g_1} - T_1(0) \right] sh \gamma_1 \ell_1 e^{-(x-\ell_1)\gamma_2} \quad (11)$$

$$T_1(0) = \frac{q}{g_1} \left[1 - \frac{1}{ch \gamma_1 \ell_1 + \gamma_1 sh \frac{\gamma_1}{\gamma_2}} \right] \quad (12)$$

$$T_1(x) = \frac{q}{g_1} \left[1 - \frac{ch \gamma_1 x}{ch \gamma_1 \ell_1 + \gamma_1 sh \frac{\gamma_1 \ell_1}{\gamma_2}} \right] \quad (13)$$

бу ерда g, r – иссиқлик ўтказувчанлик ва қаршилиқнинг узунлик бирлигига тўғри келган солиштирма қийматлари; q – қаршилиқ термометрининг қизишидан иссиқлик манбасининг узунлик бирлигига солиштирма қиймати; g_1, g_2, r_1, r_2 – мос равишда 1 ва 2 худудлар учун солиштирма иссиқлик ўтказувчанлик ва қаршилиқлар:

$$\gamma_1 = \sqrt{g_1 r_1}; \quad \gamma_2 = \sqrt{g_2 r_2}; \quad g = \alpha \pi d; \quad r = \frac{1}{\lambda S}; \quad S = \frac{\pi d^2}{4}.$$


бунда α – қаршилиқ термометрининг иссиқлик узатиш коэффиценти; S, d – қаршилиқ термометрининг кесим юзаси ва диаметри. Муҳитнинг ҳарорати $T_{\text{мрх}} = 14^\circ\text{C}$ бўлганда қаршилиқ термометрининг хатолиги $\Delta = 1,0^\circ\text{C}$.

Пахта маҳсулотларини намлигини ўлчашда тажриба маълумотларига ишлов бериш дастури ишлаб чиқилган. Дастурий маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (ЭХМ учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № DGU 02748, Тошкент ш., 08.04.2013 й.). Пахта намлигини назорат қилиш учун ишлаб чиқилган ўлчаш воситани қурилмавий хатолиги $P = 0,95$ ишончли эҳтимоллик билан Стьюдент коэффицентини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган.

О‘з DSt 644:2006 бўйича пахта намлигини ўлчаш ноаниқлигини ифодалаш ва баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган. Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича Халқаро қўлланма (GUM – Guide to the Expression of Uncertainty in Measurement, JCGM 100:2008 Ўлчаш маълумотларини баҳолаш. Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма). Дастурий маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (№ DGU 04228, Тошкент ш., 13.02.2017 й.).

Диссертациянинг «Сигимли бирламчи ўлчаш ўзгарткич конструкцияси асосидаги пахта намлигини назорат қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш ва даражалаш тавсифларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида сигимли бирламчи ўзгарткич конструкцияси асосидаги пахта намлигини назорат қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш ва унинг тавсифлари, техник амалга оширишнинг дастурий-алгоритмик таъминоти, пахта намлигини ўлчашда метрологик таъминот, сигимли намлик ўзгарткични даражалаш тавсифларини тадқиқ қилиш ва қурилмавий хатоликни баҳолаш масалалари кўриб чиқилган.

Таркибида корпус, генератор ва детекторга эга бўлган ўлчаш схемасига диэлектрик асосдаги электродлар бўлган пахта намлиги ва ҳароратини ўлчаш қурилмаси (7-расм) корпуси ичи бўш параллелепипед кўринишда бажарилган бўлиб, унинг ичида бир томондан фолга билан қопланган иккита гетинакс пластиналарда эллипс ичидаги эллипс кўринишида бажарилган ва ўлчаш схемасига параллел уланган ҳажмли электродлар жойлаштирилган, бунда ўлчаш схемаси аналог-рақамли ўзгарткичга уланган, корпуснинг пастки таг қисми кесик конус кўринишда бажарилган бўлиб, конус шаклидаги учлик билан таъминланган цилиндрга эга, унинг цилиндрсимон қисмининг ичида термоқаршилиқ жойлашган бўлиб, у суюқ кристалли индикатор билан боғланган аналог-рақамли ўзгарткичнинг киришига уланган автоматик ҳарорат компенсациялаш схемасига эга.




7-расм. Пахта намлиги ва ҳароратини назорат қилиш қурилмаси

Корпусда вертикал ўқ бўйича сиғимли эллипсоид электродларни қўлланилиши, сиғим ўзгарткичининг элементлари орасидаги зарядлар қутбланишини, яъни ён самара жараёнларини бартараф қилиш имконини бериб, материаллар намлигини ўлчашнинг асосан қуйи ораликларида ўлчаш аниқлиги ва сезгирлигини ошириш имконини беради. Қурилма конструкцияси ўлчанаётган муҳитга путур етказмасдан муҳитнинг намлиги ва ҳароратини бир вақтда ўлчаш имкони бериши эвазига қурилманинг функционал имкониятлари кенгайган. Шу билан бирга, умумий конструкцияга термоқаршилиқни киритилиши, уни термосозлаш элементи сифатида фойдаланиш имконини бериб, муҳит ҳарорати кенг диапазонда ўзгариши ҳолатида ўлчаш аниқлигини ошириш имконини берган.

7-расмда қурилма конструкциясининг бўйлама кесим кўриниши берилган. Қурилма диэлектрик асосли ясси параллелепипед шаклда бажарилган корпусдан (7-расм) иборат. Корпус 1 ичида иккита фалгирланган гетенакс пластиналар 2 ўрнатилади, бунда 3' эллипс шаклида бажарилган ва параллел равишда ўлчаш схемасига уланган. Ўлчаш схемаси намунавий қаршилиқлар ва импульс генератори 4, иккиламчи детектор 5, жуфт контактлар 6-1, 6-2, 6-3, 6-4, 6-5, 6-6 дан ташкил топган ўзгарткичларни чиқиш сигналларини улагич 6, аналог-рақамли ўзгарткич 7, термоқаршилиқ 9, ҳароратни автоматик компенсациялаш схемаси 10, даражалаш суюқ кристалли индикатор 8 дан иборат.

Корпус 1 нинг учли қуйи қисми ўлчанаётган маҳсулотга киритилади. Бошланғич ҳолатда улагич 6 контактлари 6-3 ва 6-4 уланиб, термоқаршилиқ 9 катталигининг ўзгариши бўйича муҳит ҳароратини ўлчайди. Бунда кўприк схеманинг сигнали кучланиш шаклида аналог-рақамли ўзгарткич 7 га узатилиб, рақамли шаклга ўзгартирилиб, суюқ кристалли индикаторда кўрсатилади. Улагич 6 ни босишда 6-1, 6-2, 6-5, 6-6 контактлар уланиб, нам маҳсулот билан сиғимли электродлар 3 ва 3' нинг ўзаро таъсири натижасида электр сиғими ўзгаради, натижада генератор тебраниш контурининг реактив қаршилиқга ўзгариб, электр сигнали ҳосил бўлади, бунда термоқаршилиқ 9 билан ҳароратни автоматик компенсациялаш схемаси 10 уланган бўлади. Генераторнинг тебраниш контури сигнали маҳсулот намлигига боғлиқ бўлиб, детектор 5 га уланган, кейинчалик қайд этилган сигнал эса аналог-рақамли ўзгарткич 7 да ўзгартирилади ва суюқ кристалли индикатор 8 га визуал тасвирлаш учун узатилади.

Намлик ўзгарткичини ўлчанаётган муҳитга киритишда генератор балансдан чиқарилиб, электр сигнал ҳосил қилинади ва иккиламчи интеграллаш билан детектор 5 га узатилади ва унда сигнални доимий ташкил қилувчиси ажратиб олинади. Кейинчалик сигнал аналог-рақамли ўзгарткич 8 га узатилиб, сигнал суюқ кристалли индикатор 8 билан ўлчанади.



8-расм. Пахта назорат қилинаётган намлигини аниқлаш алгоритми

Намликни аниқлашнинг тавсифланган усулини алгоритми 8-расмда келтирилган.

Маҳсулотларни ҳароратини ўлчаш схемаси кўприк схема асосида тузилган бўлиб, резисторлардан ва термоқаршиликлардан иборат. Термоқаршилик (9) ўлчанаётган муҳитга туширилади, унинг қаршилиги ўзгаради ва кўприк схемада кучланиш пайдо бўлади. Кейинчалик фойдали сигнал ва ўлчанаётган муҳитга боғлиқ бўлган кучланиш аналог-рақамли ўзгарткич 7 га ўтиб, визуал тасвирлаш учун суюқ кристалли индикатор 8 га узатилади. Ўлчаш схемаси 9 В кучланишли барқарор манбага уланган.

Бажарилган назарий тадқиқотлар ва тажрибавий ишлар натижалари асосида электрон блокнинг ишлаши учун пахта намлигини унинг диэлектрик сингдирувчанлик ва ишчи частотата асосида аниқловчи кўп функцияли қурилманинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. Дастурий маҳсулот Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган (№ DGU 03095, Тошкент ш., 31.03.2015 й.).

ХУЛОСА

“Пахта намлигини назорат қилишда сиғимли бирламчи ўзгарткичлар асосидаги усуллар ва асбоблар” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тадқиқот предмети соҳасидаги сўнги 15 йиллик патент адабиётларини таҳлил қилиш усули ёрдамида замонавий влагометрияда пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усулини ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари аниқланган. Бу пахта намлигини назорат қилиш ўлчаш воситаларини лойиҳалаш, конструкциялаш ва ишлаб чиқишда сиғимли бирламчи ўзгарткичларга замонавий талабларни шакллантириш имконини беради.

2. Пахта намлигини назорат қилувчи замонавий қурилмаларга пахта саноати томонидан қўйиладиган метрологик, фойдаланиш ва функционал талаблар шакллантирилган, сиғимли ўзгарткичнинг математик модели ишлаб чиқилган. Бу пахта намлиги сиғимли ўзгарткичларининг параметрларини ҳисоблаш аниқлиги ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

3. Пахта намлигини ўлчаш аниқлигини оширувчи ва қурилмани функционал имкониятларини кенгайтирувчи усул ишлаб чиқилган. Намликни ўлчаш аниқлигини эллипс шаклда ясалган, сиртки чегараларида зарядлар қутбланиши камайтирилган сиғимли конденсатор туфайли эришилган. Қурилмани функционал имкониятларини кенгайтириш ўлчаш схемасининг таркибига ҳароратни ўзгаришини компенсацияловчи термодатчикни киритиш орқали эришилган. Бу сиғимли усулни техник амалга оширишни метрологик ва функционал тавсифларини такомиллаштириш имконини беради.

4. Хатолик манбаларининг биринчи марта 9 та гуруҳдан иборат таснифи, шунингдек ушбу омиллар таъсирини бартараф қилиш ёки камайтиришга йўналтирилган усулларида ташкил топган услубий таъминот ишлаб чиқилган. Бу пахта намлигини назорат қилишнинг сиғимли усули асосида амалга ошириладиган ўлчаш воситаларига қўйилган метрологик талабларни асослаш имконини беради.

5. Ишлаб чиқилган қурилмани турли зичлик қийматлари ва ишчи частоталардаги тавсифлари, шунингдек меъёрланган метрологик хоссалари аниқланган. Пахта намлигини ўлчаш диапазонида боғлиқ равишда $W \in [0 \dots 20]$ % диапазонда $\pm 0,8$ %, $W \in [20 \dots 35]$ % диапазонда $\pm 1,5$ % йўл қўйиладиган хатолик чегаралари ўрнатилган. Бу ўлчаш воситасини статик тавсифларини аниқлигини ошириш имконини беради.

6. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида сиғимли қурилмани талаб қилинган аниқликда ўлчовчи ишчи частотаси аниқланган. Зичлик ρ ни ошириши билан назорат қилинаётган материал намлиги W параметрлари орасидаги боғлиқлик барқарорлаши, шунингдек тавсия қилинадиган зичликнинг оптимал қиймати $\rho = 250 \text{ кг/м}^3$ эканлиги аниқланди. Бу таклиф қилинаётган ўлчаш воситаси ёрдамида олинадиган натижаларнинг аниқлиги ва ишончилигини ошириш имконини беради.

7. Таклиф қилинган қурилманинг метрологик тавсифларини таҳлили, жумладан, нисбий хатолиги намликнинг $W \in [0 \dots 35]$ % диапазонида аналог қурилмаларга нисбатан 1,2...1,5 мартагача камайганлигини кўрсатилган. Қурилманинг илмий янгилиги ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (№ IAP 05156) билан ҳимояланган. Бу сиғимли ўлчаш асбобларини метрологик тавсифларини яхшилаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАШАРИПОВ ШОДЛИК МАШАРИПОВИЧ

**МЕТОДЫ И ПРИБОРЫ НА ОСНОВЕ ЕМКОСТНЫХ ПЕРВИЧНЫХ
ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ ДЛЯ КОНТРОЛЯ ВЛАЖНОСТИ ХЛОПКА-
СЫРЦА**

05.03.01 - «Приборы. Методы измерения и контроля (по отраслям)»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2017.1.PhD/T80

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Матякубова Парахат Майлиевна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ахмедов Барат Махмудович**
доктор технических наук, доцент

Улжаев Эркин
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **АО «Пахтасаноат илмий маркази»**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер 88). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года.)

Н.Р. Юсупбеков

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире возрастают требования к качеству сельскохозяйственной продукции, выдвигаются новые требования к средствам экспрессного контроля влажности в большинстве технологических процессов. В современных технологических процессах агропромышленного комплекса требуются экспрессные, неразрушающие, бесконтактные и энергосберегающие технологии для эффективного управления параметрами, с большой точностью измерения, возможностью контроля дополнительных параметров. В этой связи, в развитых странах в крупных промышленных предприятиях, производящих хлопковую продукцию, особой задачей является создание и внедрение приборов, соответствующих требованиям современной измерительной техники и контролирующих влажность хлопка-сырца, являющейся одним из основных показателей качества хлопка-сырца.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на повышения точности и оперативности, расширение функциональные возможности приборов для контроля влажности хлопка-сырца. В связи с этим особое значение уделяется исследованиям, посвященным разработке и совершенствованию приборов на основе емкостных первичных измерительных преобразователей для контроля влажности хлопка-сырца, обеспечивающих повышенную точность, чувствительность, быстродействие и улучшенные метрологические характеристики.

В Республике Узбекистан осуществляется работа по модернизации и техническому переоснащению хлопковой промышленности, внедрению передовой информационно-измерительной техники для контроля параметров хлопка-сырца. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена ответственная задача: «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. Для достижения поставленных задач существенно важным вопросом является осуществление целенаправленных научных исследований, проведение анализа современных методов и технических устройств контроля влажности хлопка-сырца и выявление тенденций дальнейшего развития влагометрии и совершенствование теории и практики для контроля влажности хлопка-сырца.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3408 от 28 ноября 2017 года, «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

отраслью», №ПП-1758 от 21 мая 2012 года «О программе дальнейшей модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства на 2012-2016 годы», и Постановлении Президента Республики Узбекистан 29 августа 2006 года, «Об упорядочении механизма реализации и расчетов за хлопковое волокно», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По результатам мировых исследований значительный вклад в развитие методов и приборов на основе емкостных преобразователей внесли зарубежные ученые Jingbo Tong, Tianming Chen, Mathew G.Pelettier, Michael E.Gvili, Hourri Johari (США), Stuard Gordon, Andrej Krajewski, Ferry N. Toth (Австралия), Hamid Farahani, Rahman Wagiran, Mohd Nizar Hamidon (Малайзия), Esa Leskelä, Jukka Voutilainen (Финляндия), Burak Okcan (Турция), В.В.Молочников, С.В.Годлевская, И.К.Пожиток, Н.И.Мухуров, В.В.Лисовский (Белоруссия), А.К.Хурцилава, Н.Г.Кантеладзе., Т.Д.Джапаридзе. (Грузия) Ю.П.Секанов, Е.С.Кричевский, В.С.Ройфе, Ю.Г.Подкин, П.М.Пугачев, С.Н.Шведов, В.С.Афонин, П.В.Машошин (Россия) и др.

В теорию и практику неразрушающих емкостных первичных преобразователей для контроля влажности хлопка-сырца значительный вклад внесли отечественные ученые: Н.Р.Юсупбеков, П.Р.Исматуллаев, Р.К.Азимов, Х.З.Игамбердиев, М.М.Мухитдинов, Б.М.Ахмедов, В.В.Казанский, А.Х.Абдуллаев, Э.Ўлжаев, П.М.Матякубова, А.Тургунбаев, В.Е.Устюгин, П.И.Каландаров, Ю.Г.Шипулин, Ш.М.Гулямов, В.Н.Дроздов, Р.И.Саитов и др.

Однако, в последние годы из-за недостатка оперативных и энергосберегающих устройств контроля влажности хлопка-сырца, применяют отбор проб и проведение анализа, на основе стандартных методов, что не может быть использовано в современных технологических процессах при приемке и переработке хлопка-сырца. Вместе с тем не уделяется достаточного внимания созданию и совершенствованию новых научно-технических и конструкторских решений емкостного метода контроля влажности хлопка-сырца и не исчерпывает в полной мере потенциальных возможностей своей приборной реализации.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках следующих научно-исследовательских проектов Ташкентского государственного технического университета по темам: ЁФ-2-9 «Разработка теоретических основ построения и проектирования первичных измерительных преобразователей с

микропроцессорными комплектами для контроля качества различных продуктов» (2016-2017).

Цель диссертационной работы заключается в совершенствовании приборной реализации емкостного метода контроля влажности хлопка-сырца с первичными измерительными преобразователями, построении и внедрении на этой основе емкостного прибора с улучшенными метрологическими и функциональными характеристиками.

Задачи исследования:

анализ современного состояния теории и практики методов и приборов для контроля влажности хлопка-сырца по метрологическим, функциональным, а также эксплуатационным критериям;

